Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
4 ОКТЯБРЬ 1969 й.
ШАНБА
№ 233 (996)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

1970 ЙИЛ 11 АПРЕЛЬ— КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК!

◆ *Пойтахтимиз меҳнаткашлари «Қизил тонг» фирмаси коллективининг мурожаатини кенг қўллаб-қувватламоқдалар* ◆ *Ташаббус қанот ёймоқда*

ТАШАББУС КЕТИДАН ТАШАББУС

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг кеча — 3 октябрь сонида эълон қилинган «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективининг Тошкент ва республикамиз меҳнаткашларига мурожаати фабрикамиз меҳнат аҳлини илҳомлантириб юборди.

Доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги нишонланадиган кун яқинлашган сари Тошкент саноат корхоналари коллективлари янгидан-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

«Қизил тонг»чиларнинг шонли санани муносиб кутиб олиш мақсадида **1970 йил 11 апрель куни коллектив равишда коммунистик шанбаликка чиқиш ва шу куни қилинган меҳнатдан тушган даромадни беш йиллик фондига ўтказиш** тўғрисидаги қарори ҳамда даъвати коллектив ўртасида ишлаб чиқилди ва уни катта ватанпарварлик ташаббуси деб топилди.

Корхонамиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тўққиз ойлик планини 18 сентябрда бажарди. Ой охиригача планга қўшимча 265 минг сўмлик кийим-кечак реализация қилди ва 150 минг сўм қўшимча даромад олди. Маҳсулотларнинг 94 проценти биринчи сортга топширилди.

«Қизил тонг»чиларнинг ташаббусини биринчи бўлиб маъқуллаган **коллективимиз 1970 йил 11 апрель куни ҳамма бир кишидек коммунистик шанбаликка чиқишга қарор қилди. Шу куни тежалган материаллардан 4500 та турли хил кийим-кечак тикилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан тушган меҳнат ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.**

Москвалик тўқувчи М. Иванникованинг издошлари бўлган **тикувчиларимиз** В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигигача **тежалган материаллардан 11 ва 22 апрель кунлари 8700 болага етадиган кийим-кечак тикишга аҳд қилганлар.**

Шу кунгача тежалган **материаллардан 5 мингдан ортиқ буюм тикиб чиқарилди.**

Коллектив беш йиллик план топшириқларини муддатидан тўрт ой илгари — 1970 йил августда бажаришга қарор қилди.

Ҳозир корхонада 60 киши 1970 йил, 12 киши — 1971 йил, 8 киши— 1972 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

Коллективимиз ленинча коммунистик шанбалик ўтказиш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этади.

Г. АДАЛЕВ — 3-тикувчилик фабрикасининг директори, М. СОЛИЕВ —партия ташкилотининг секретари, М. ҲАМДАМОВА — фабрика касаба союз комитети раиси, А. РАҲИМОВА — комсомол ташкилотининг секретари, А. КАНОКИНА, Т. АБДУЛЛАЕВА — ишлаб чиқариш илғорлари.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ВАХТАСИ

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб. коллективимиз янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш ва ленинча беш йиллик зарбдори номини олиш учун шахсий мажбурият олаётган механизаторлар сони ортиб бормоқда.

Трест тўққиз ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан олти кун илгари бажарди. Планга қўшимча иш бажаришда 5. 4. 3 ва 2-механизация бошқармаларининг механизаторлари катта ҳисса қўшишди. Мусобақа пешқадамларидан 91 киши 1970 йил ҳисобига ишламоқда. Улар орасида М. Тишечко, М. Сукачев, Х. Усмонов, И. Лисичкин ўртоқлар бошқарган бригадаларнинг коллективлари бор.

Куни кеча газеталарда «Қизил тонг» фирмаси коллективининг мурожаати эълон қилинди. Улар келгуси йилнинг 11 апрелида ленинча шанбалик ўтказиш ва тушган маблағни беш йиллик фондига беришга қарор қилганлар. Бу мурожаат трестнинг барча механизация бошқармаларида муҳокама қилинди. Механизаторлар тикувчилар мурожаатига жавобан янги мажбуриятлар олдилар ва 1970 йил 11 апрелда якдиллик билан шанбалик ўтказишга аҳд қилдилар.

Н. ҲАКИМОВ, — 1-қурилиш механизацияси трести бошқарувчиси, **А. ПОЗДНЯКОВ** — партия комитети секретари, **В. ДАНИЛЮК** — бирлашган қурилиш касаба союз комитетининг раиси.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

ЭРТАГА— ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

Сиз бу суратда М. Уйғур номли 22-мактабда илғор педагогларнинг ўқиш-ўқитиш мавзусида ўтказаётган суҳбатларини кўриб турибсиз. Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари У. Юнусов (чапда) сўзлаяпти. Ю. Бутусов фотоси.

Ленинча ўқув йили

Ҳамза номли 85-ўрта мактабда ленинча ўқув йили муваффақиятли олиб борилмоқда. Бу ерда ёшларга фан асосларини пухта ўргатиш учун турли кабинетлар ва лабораториялар ишлаб турибди.

—Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 10 йиллигини педагогик коллективимиз ўқиш-ўқитиш ишларида юқори кўрсаткичлар билан кутиб олишга шайланганлар,—дейди директор ўринбосари Эркин Абдулхонов, — Ҳамма ўқитувчиларимиз «2» сиз ва икки йилликсиз» шиори остида ишлашмоқда.

Мактабда 10 дан ортиқ тўгараклар қизғин иш олиб боряпти.

Р. СУЛТОНОВА.

МАШЪАЛ ЎҚИТУВЧИЛАР

92-ўрта мактабда 1100 дан ортиқ ўқувчи билим олмоқда. Уларга К. Усмонов, Ҳ. Дўстматова, Ф. Курмашева, Б. Мираҳмедов, С. Авезов каби тажрибали ўқитувчилар билим асосларини ўргатмоқдалар. Мазкур ўқитувчилар ленинча ўқув йилида 100 процент ўзлаштириш беришга аҳд қилишган.

Мактабда 2-синфдан бошлаб ҳинд тили ўқитиляпти. Ўқувчилар бу тилни катта қизиқиш ва ҳавас билан ўрганишмоқда.

Ж. РАСУЛОВ.

ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ УЧУН

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Муҳаррам Одилова директорлик қилаётган 169-мактабда илғор ва моҳир педагоглар ёшларга фан асосларини пухта ўргатмоқдалар.

Мактабда 2 та эксперимент синф бўлиб, бошланғич синф ўқувчилари 4 йиллик ўқишни 3 йилда тугатадилар. Эксперимент синфларга халқ маорифи аълочиси Сарвар Усмонов раҳбарлик қилмоқда.

Мактабнинг Т. Усмонов, М. Ҳикматов, Н. Ғуломов каби тажрибали ўқитувчилари ленинча ўқув йилида энг юқори кўрсаткичга эришиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг 2 мингга яқин фарзандлари билим олаётган мактаб педагогик коллективи ўқитувчилар байрамини муносиб қарши олишмоқда.

Р. ЗАРИПОВА.

1003 ҚАЛДИРҒОЧ

КОММУНИСТИК партия ва ҳукуматимиз сиртдан таълим олувчи студентларнинг яхши билим олишлари учун катта аҳамият бермоқда. Жумладан, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида ҳозир машҳур профессор ва ўқитувчилар лекция ўқимоқдалар.

Эртага **институтнинг сиртқи бўлимида ўқийдиган мингдан ортиқроқ йигит-қизлар давлат имтиҳонларини топшира бошлайдилар.**

Бу йилги давлат имтиҳони топширадиган студентлар ўтган йилдагидан бир мунча фарқ қилади. Улар чуқур билимга эга деб айтсак бўлади. Чунки ҳар йили студентлар билан бир ҳафтада, бир ёки бир ойда икки марта қўшимча дарс ўтилган бўлса, бу йил ҳар шанба, якшанба кунлари мунтазам равишда машғулотлар ўтказилди. Булардан ташқари, давлат имтиҳони топширадиган айрим студентлар имтиҳонга бир неча кун қолганида ҳам жорий имтиҳонларни топшириш билан банд бўлар эдилар. Бу ҳолга барҳам берилди. Студентлар аввалари икки марта сессияга чақирилар эди. Янги ўқув йилида [ёз, қиш ва баҳорда] уч марта сессияга чақирилди. Бу эса, яхши натижалар берди.

Ленинча ўқув йили бошланғич таълим методикаси факультетидан 333 киши, тарих факультетидан 140 киши ҳамда математика факультетидан 125 киши, институтнинг ҳамма факультетларидан 1003 студент Давлат имтиҳони топширади.

М. ЖУМАБОЕВ,
институт ўқитувчиси.

БАРАКАЛЛА, ИШЧИЛАР СИНФИ!

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

Республика саноатчилари, деб хабар беради Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси, В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб маҳсулотларни реализация қилиш тўққиз ойлик планини бажардилар. Пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бир қанча турдаги саноат маҳсулотлари пландагидан анча кўп тайёрланди.

● *Юбилей олдидан*

ЭСТАФЕТА АЛЬБОМИ

Бугун **улуғ В. И. Ленин юбилейига ҳозирлик кўраётган Ўрта Осиё темир йўли илмий-техника кутубхонаси коллективи эстафета альбомини тайёрлаб бўлди.**

Жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи бу альбом Ўрта Осиё темир йўли кутубхоналаридан бир-бирига ўтиб боради. Яқинда эстафета альбоми қўшни кутубхонага топширилади.

Эстафета альбоми саҳифаларига кутубхона ходимлари шонли юбилейга қандай совғалар тайёрлаётганлиги, китобхонлар билан олиб борилаётган намунали ишларини қайд қиладилар.

Трикотаж фирмасининг меҳнат аҳли ленинча меҳнат вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: корхона тўқув цехининг зарбдор тўқувчиси А. Гарпус.

М. Нуриддинов фотоси.

● БУГУН ШАҲРИМИЗДА

КЎЧМА КЎРГАЗМА

Яқинда панорам ва кўргазмалар дирекцияси Калинин шаҳрида Ўзбекистон санъат асарларини бир неча кун намойиш этди. Жами 200 га яқин экспонат ичида турли уй-рўзғор буюмлари, хўжалик асбоблари ва 110 донадан иборат Риштон, Ғиждувон ҳамда Тошкентда ишланган кулолчилик буюмларининг энг нодир намуналари бор эди.

Рассомчилик асарлари ичида Давлат ва Ҳамза мукофотларининг лауреати, профессор Чингиз Ахмаров, Раҳим Аҳмедов, З. Ковалевская ва А. Кашиналарининг ҳамда қорақалпоқ рассоми Йўлдош Қуттимуродовнинг асарлари бор эди.

Куни-кеча санъат асарлари республикага келтирилди. Кўчма кўргазма яқин кунларда Самарқанд ва Андижон шаҳарларига юборилади.

КАФЕДРА ВА ЗАВОД

Шу кунларда электротехника алоқа институти кафедралари чинакам тадқиқот ўчоқларига айланган. Айниқса электр занжирлари йўллари назарияси кафедраси олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишлари жуда самаралидир.

Кафедра кабель заводи билан ижодий ҳамкорликда яна бир муваффақиятни қўлга киритди. Полиэтилен ишлатиш йўли билан изоляция қилиш жараёнларини автоматлаштиришнинг янги методи ишлаб чиқилди. Бу мураккаб методни яратишда замонавий бошқарув схемалари ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари алоҳида иш берди.

Шу йўл билан кабель ишлаб чиқариш технологиясини янада яхшилаш имкони туғилди. Маҳсулот тайёрлаш таннархи арзонлашди. Ушбу метод туфайли корхона кўплаб маблағни иқтисод қилади.

● ШАҲРИМИЗ ЯНГИЛИГИ

САНОАТ МОЛЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Тошкент Модалар уйида уюштирилган Ўзбекистон саноати корхоналари маҳсулотларининг улгуржи савдо ярмаркаси ўз ишини тугатди.

Савдо ярмаркасида республикамизнинг 400 дан ортиқ саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

● ЯНГИЛИКЛАР АДРЕСИ:

«ГЎЗАЛ» ВА «ТЎР»

Тўқимачилик комбинати ишлаб чиқараётган турли-туман газламалар фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки кўпгина чет мамлакатларга ҳам манзур бўлмоқда. Ҳозирги кунда яна икки хил янги «Тўр» ва «Гўзал» номли газлама ишлаб чиқарилмоқда.

Янги маркали газлама ижодкорлари бу гал ҳам харидорларнинг, айниқса ёшларнинг дидини, замонавий мода талабларини ҳисобга олдилар. Шу йилнинг 4-кварталида янги газламаларнинг дастлабки 150 минг метри савдога чиқарилди.

Казанцева Валя «Ташавтомаш» заводида оддий ишчи бўлиб ишлайди. У В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун кунлик нормасини 120—130 процентга етказиб бажармоқда.

СУРАТДА: В. Казанцева.

И. Шонноғомов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси ГДРнинг 20 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Германия Демократик Республикасига боради.

● КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан дўстона визит билан Москвага келган Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Владислав Гомулка ва Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Юзеф Циранкевич бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси кеча Москвадан ватанига жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Андижон сув омборини қуриш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Истеъмол моллари кўргазмаси

Келгуси йилнинг бошида Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб, кенг истеъмол моллари ярмаркаси ташкил қилинади. Унда Ўзбекистонда тайёрланган моллар ҳам намойиш қилинади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида кенг истеъмол моллари кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Ленин номли якка тартибда буюртмалар тикиш фабрикаси чеварлари тайёрлаган 21 та ҳар хил кийим-кечаклар қўйилган. Эркаклар костюми, аёлларнинг замонавий кўйлаклари билан плашчлар диққатга сазовордир.

Марғилондаги «Атлас» фирмасининг атласлари кўргазманинг энг чиройли экспонатларидир. «Зуҳра», «Табассум», «Самарқанд ёдгорлиги», «Чеҳра», «Гулзор», «Баҳор» сингари атласлар аёлларга албатта манзур бўлади

Кўргазмага республикадаги гўшт, вино комбинатлари, пойафзал фабрикалари ва бошқа кўпгина енгил саноат корхоналарининг маҳсулотлари ҳам қўйилган.

Мутахассислардан ташкил топган махсус комиссия кўргазма экспонатларининг энг яхшиларини танлаб олади ва Москвага юборишга тавсия қилади.

● ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Кенг истеъмол буюмлари энг яхши намуналарининг доимий павильони Ўзбекистон филиалига Душанба гўшт комбинати янги маҳсулотлар намунасини юборди. Бу корхонанинг қўй гўштидан тайёрлаган «қовурдоқ», «Одессия» ва оқсилли колбасаларига яхши баҳо берилди, маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга руҳсат этилди.

Ашхобод, Душанба ва Фрунзе саноат корхоналарининг янги маҳсулотлари ҳам кўплаб ишлаб чиқариш учун шаҳримизда йўлланма олган.

● МАМЛАКАТ — ТОШКЕНТГА

КЎПЛАБ КАРТОШКА

Тошкент товар станциясига Россия Федерациясининг кўпгина областларидан картошка ортилган поездлар кела бошлади.

Кеча Ульяновск областидан Чилонзор райпишчеторги адресига 550 тонна картошка келтирилди. Россия деҳқонларидан жами уч минг тонна картошка олинади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

А. А. ГРОМИКОНИНГ КАНАДАДА БЎЛИШИ

ОТТАВА 3 октябрь. (ТАСС). Канадага расмий визит билан келган СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча Канада парламенти биносида Канада ташқи ишлар министри М. Шарп билан музокаралар олиб борди. Очиқ кўнгиллик билан олиб борилган шу музокараларда СССР билан Канада ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ва ривожланишига доир масалалар устида, шунингдек, баъзибир халқаро проблемалар устида батафсил фикрлашиб олинди.

ЛЕРОС МАҲБУСЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНСИН!

ГРЕК ДЕМОКРАТЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК СОВЕТ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Грек ҳарбий хунтасининг ваҳшийликларини фош қилувчи янги ҳужжат халқаро жамоатчиликка маълум бўлиб қолди. Бу ҳужжат Лерос оролидаги «Лакки» қамоқ лагерида ётган сиёсий маҳбуслардан 1200 кишининг тўрт давлат: СССР АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари ва халқларига мурожаатидир.

Грек ватанпарварлари — собиқ қаршилик кўрсатиш жангчилари, жамоат арбоблари, зиёлилар, ишчилар, деҳқонлар, студентлар— Элладанинг энг яхши фарзандлари, грек халқининг бахт-саодати учун фидокор курашчиларга ваҳшиёна азоб берилмоқда ва улар таҳқир этилмоқда. Қийноқлар натижасида маҳбусларнинг кўпи ҳалок бўлди, қолганлари эса, силласи қуриб ўлишга маҳкум этилган.

Грек сиёсий маҳбусларининг мудҳиш фожиасига жаҳон афкор оммаси, барча яхши ниятли кишилар бефарқ қараб тура олмайдилар.

Миллион-миллион совет кишилари номидан грек демократлари билан бирдамлик Совет комитети «Лакки» қамоқ лагери маҳбуслари билан, барча грек сиёсий маҳбуслари билан қардошларча бирдам эканлигини изҳор қилади, Греция ватанпарварларига азоб бериш ва уларни таҳқирлаш тўхтатилишини, қамоқ лагерлари дарҳол тугатилишини ҳамда барча грек демократлари озод этилишини талаб қилади.

Греция диёридаги террор ва қонунсизлик тўхтатилсин!

КАМПАЛА. Угандaнинг миллий театри Шарқий Африкада энг кекса маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу театрнинг доимий артистлари бўлмаса ҳам, унда ўйновчи ҳаваскорлар спектаклларни моҳирона ижро этмоқдалар. У қитъада африкалик драматургларнинг асарларини ҳамиша қўйиб турган ягона театрлардан биридир. Суратда: театр биноси.

С. КУЛИК фотоси, (ТАСС).

Маорифимиз юлдузлари

Ҳаёт остонасидан қадам қўйиб келаётган ёшларимиз йўлини илм-фан зиёси билан ёритаётган ўқитувчилар меҳнатини ҳар қанча тараннум этсак ҳам оз. Ўқитувчи меҳнати боғбон меҳнатидек мураккаб ва шарафлидир. Боғбон бир туп ниҳол экиб ҳосилини икки-уч йилда кўради. Лекин ўқитувчи ўз «ниҳол»ини тарбиялар экан, унинг «ҳосил»ини — қандай одам бўлиб етишганини узоқ йиллардан кейин кўради. Ўқитувчида ўткир ақл-заковат, чуқур билим, зеҳнли кузатувчанлик билан бирга, сабр-қаноат, мустаҳкам ирода, қўйингчи, ҳамма олижаноб инсоний фазилатлар мужассамлашган. Шунинг учун ҳам кишилар ўз ўқитувчиларини севиб, уларни зиёкор, устозим дейдилар.

Ҳозир шаҳримиз мактабларида юзлаб зиёкор устозлар ёш авлодни чинакам коммунистик руҳда тарбиялаш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Куни-кеча Октябрь район халқ маорифи бўлимида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар тўпланишди.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Саидаҳмедов билан суҳбатлашдик.

— Мактабларимизда машъал ўқитувчилар кўп,— деди у,— ўнлаб илғор педагоглар ва хизмат кўрсатган ўқитувчилар ленинча ўқув йилида 100 процент ўзлаштириш бериш учун курашмоқдалар.

Маорифимиз аълочилари шу куни район мактабларида ўқиш-ўқитиш ишларини юқори савияга кўтариш, оила ва мактаб ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш ва одоб-ахлоқ мавзусида батафсил фикрлашиб олдилар.

Сиз суратда Октябрь районидаги илғор ва моҳир педагогларни — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилардан Ғ. Едгоров, К. Расулев, С. Саидаҳмедов, Ф. Расулев, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Назарова ва бошқаларни кўриб турибсиз.

Маориф бўлимида бўлиб ўтган бу йиғилишда устоз ўқитувчилар педагог, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Шарафиддинов (чапдан бешинчи)ни Ўқитувчилар куни муносабати билан қизғин табрикладилар.

Т. РАСУЛЕВ.

Ю. БУТУСОВ фотолари

ЎҚИТУВЧИ УСТОЗ

⊙ Ўқитувчилар армияси ўз олдига жуда катта оқартув вазифаларини қўймоғи ва биринчи галда социалистик маорифнинг асосий армияси бўлмоғи лозим... Тор ўқитувчилик фаолияти доираси билан кифояланиш ярамайди.

⊙ ...Чинакам халқ ўқитувчилари... омма ўртасида дадиллик билан пропаганда олиб боришлари керак.

⊙ Янги педагогиканинг вазифаси — ўқитувчилик фаолиятини жамиятни социалистик асосда ташкил этиш вазифаси билан боғлашдан иборатдир.

В. И. ЛЕНИН.

⊙ Менинг фикримча, ҳатто ўқитувчи бўлиб туғилмоқ керак.

⊙ Бизга халқ учун фидокорона хизмат қиладиган ўқитувчи керак... Ҳозирги вақтда ўқитувчининг иши ўнларча марта мураккаблашган... Ўқитувчи етарли даражада маданиятли киши бўлмоғи керак.

М. И. КАЛИНИН.

Зиёкорлар

Ҳамза районининг Янгиобод массивига жойлашган Ҳамза номли 227-мактаб ўтган ўқув йили арафасида ишга туширилган эди. Бу кенг ойнаванд, йирик панелдан тикланган уч қаватли бинони «Главташкентстрой»га қарашли 5-трест 46-қурилиш бошқармасининг бинокорлари бунёд этишган.

Янги мактабда 24 га синф хонаси бўлиб, турли фан кабинетлари, дурадгорлик, слесарлик устахоналари, кино кўрсатиш ва мажлислар зали мавжуд.

Янги мактабда ҳозирги кунда массив аҳолисининг 1200 га яқин ўғил-қизлари таълим-тарбия оляпти.

Мактаб педагогик коллективи учун ташкилий давр бўлган 1968-1969 ўқув йилини зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборди. Бу ерда тарих-география, рус тили, математика, химия-биология, бошланғич синфлар бўйича тузилган методик бирлашмалар намунали иш олиб бордилар.

Зиёкорлар ўқувчиларга фан асосларини чуқур ўргатишда бирмунча яхши натижаларга эришдилар. Мактаб бўйича умумий ўзлаштириш анча юқори бўлди.

Ўтган ўқув йилини муваффақиятли якунлаган аҳил коллектив ленинча ўқув йилини ҳам зўр ғайрат билан бошлади. Бу йил биринчи синфларга 140 ўқувчи қабул қилинди.

Ёш авлодни тарбиялашдек мураккаб вазифани амалга оширишда 56 зиёкор ўқувчилар хизматида. Она тили ўқитувчиси Саодат Неҳадамбоева, химия-биология ўқитувчиси Саломат Азимова, адабиётчи Рашид Азизов, математик Жария Каримулиналар ўзлари дарс берган синфларда юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

Бу йил ҳам Халима Раҳмонбердиева бошчилик қилаётган бошланғич синфлар методик бирлашмаси «2»сиз ва икки йилликсиз ўқитиш шиори остида янги куч ва ғайрат билан иш бошлади.

Айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларидан Муаззам Маҳмудова, Карима Шамсиддинова, Ҳалима Раҳмонбердиевалар ўз группаларида юз процент ўзлаштиришга эришиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Мактабда ўзаро тажриба алмашиш, малакали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

Ўқувчиларни синфдан ташқари машғулотларга кўпроқ жалб этиш мақсадида кўпгина режалар амалга оширилмоқда. Айниқса консерваториянинг V курс студенти Лутфилло Қўлдошев раҳбарлигидаги хор, миллий ансамбл тўгараклари намунали иш олиб боряпти. Булардан ташқари дурадгорлик, слесарлик, моҳир қўллар, бичиш-тикиш, ёш математиклар, ўлкашунослар, шахмат-шашка каби ўндан ортиқ тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Педагоглар коллективи ўқув-тарбия ишларини тобора яхшилаш билан биргаликда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг муборак 100 йиллигига ҳам катта тайёргарлик кўряпти. Ўтган ўқув йилида ташкил этилган Ленин музейи янада янги-янги экспонатлар билан бойитилмоқда.

Мактабнинг ҳамма синфларида Ленин бурчаги ҳамда 1-8 синфларда эса интизомли ва аълочи ўқувчилар ўтирадиган Ленин партаси жорий этилди.

Дарҳақиқат, ёш авлодни замонамизнинг етук кишилари қилиб тарбиялашга бутун билим ва ғайратларини сарфлаб келаётган педагогик коллектив Ўқитувчилар байрамини муваффақият ва қизғин иш билан кутиб олмоқдалар.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Насиба Бўрнева шаҳардаги Улуғбек номли 201- мактабнинг бошланғич синфида дарс бераётир. У ишчанлиги билан коллективда катта ҳурмат қозонган.

ОБУНА—МУҲИМ СИЁСИЙ ИШ

Шу кунларда марказий ва республика, область, шаҳар газеталарига ҳамда журналларга 1970 йил учун обуна қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Газета-журналларга ёзилишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассаса ва ўқув юртлари, партия, комсомол ташкилотларининг ишчанлик қобилиятига боғлиқ, албатта. Трактор-йиғув заводи партия комитети раҳбарлери (секретари Л. В. Арко) ҳар йили бу муҳим ишга алоҳида эътибор беришади.

Обуна иши бошлаймасдан олдин бу муҳим масала партия комитети йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Обунанинг муваффақиятини таъминловчи зарур тадбирлар белгиланди. Партия комитетининг қарори билан коммунистлар, партиясиз активлар корхонанинг цех, бўлим ва бригадаларига бириктириб қўйилди. Бундан ташқари, партия комитети қошида газета-журналларни пропаганда қилиш юзасидан Совет тузилди. Пропаганда Совети атрофига ўн саккиз киши уюшган бўлиб, унга партия комитети секретари Л. В. Арко раҳбар қилиб тайинланганди. Совет аъзолари ўз ишларини ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимни қандай газета, журналга ёзилишига амалий ёрдам, қимматли маслаҳат беришдан бошлашди. Тадбиркорлик билан кўрилган иш ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади, албатта. Масалан, қисқа вақт ичида А. Николаев бошчилигида 2- цех ишчи-хизматчилари 900 сўмлик ҳар хил газета ва журналларга ёзилишди. Ёки бошқача қилиб айтганда ҳар бир ишчи 4-5 нусхадан газета-журнал оладиган бўлди. Еттинчи цех ишчилари эса шу чоққача 644 сўмлик газета-журналга ёзилиб қўйдилар.

Завод инженер-техник ходимлари, ишчиларидан Э. Ғофуров, И. Кибеткина, В. Казанцов ўртоқларнинг ҳар қайсиси янги йилдан 10-14 номдаги газета-журналларни ола бошлайдилар.

Корхонада обунанинг муваффақиятли боришида завод обуна тўплаш пунктининг мудири Г. Курмашованинг хизмати катта бўлмоқда. У, саккиз йилдирки, бу шарафли ишга бош-қош бўлиб келяпти. Бу ишчан обуна тарқатувчининг ташаббуси билан ўтган йили корхона аҳли ёзилган газета, журналларни завод ишчи-хизматчиларига тақсим қилинганда, киши бошига иккитадан тўғри келарди. Янги йилдан бошлаб бу рақам ортса ортадики, аммо камаймайди.

Обуна тўплаш суръати Октябрь районидаги бошқа корхона, ташкилотларда ҳам яхши бор япти деб бўлмайди. Масалан, радиодеталь заводида бу муҳим ишга етарли аҳамият берилмасдан келинаётир. Заводдаги мавжуд ўн иккита цехдан атиги иккитаси бу муҳим ишга эндигина киришди. Завод партия комитети (секретари Захаров) бу муҳим ишни кадрлар бўлимида ишловчи И. Микросовага топшириб қўйган. У бу вазифани кўнгилдагидай бажаролмаётир.

Шаҳар техника қурилиши материаллари таъминоти бошқармасида аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу ердаги 80 кишидан эндигина 15 киши газета-журналларга обуна бўлганига нима деса бўлади?!

«Узглавэлектросбит» ташкилотида 250 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Партия ташкилоти секретари Благовешенскийнинг беғамлигидан ҳанузгача бирор киши газета ёки журналга обуна бўлмаган.

Янги йил газета-журналларига обуна қабул қилиш кун тартибидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифани кўнгилдагидай бажаришга ҳар бир коммунист, комсомол аъзоси муносиб ҳисса қўшишни унутмасликлари зарур.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Республика «Союзпечать» бошқармасининг катта инструктори.

Суратда: «Марказ-1»да украиналик қурувчилар томонидан бунёд этилган уйлар.

ТОКАРЛАР ВА ФРЕЗЕРЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Куйбишев районидаги «Узбекхлопкомаш» Тракторсозлик, [«Ташавтомаш»], «Ташкенткабель», Экскаватор заводлари каби 9 та катта корхонанинг токарлари ва фрезерчилари ўзаро мусобақалашишди.

Район комсомол комитети ёш ишчиларнинг анъанавий бу мусобақасини шонли сана — В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлади.

Комиссия мусобақа ғолибларидан «Узбекхлопкомаш» ва Тракторсозлик заводининг токарлари В. Фокин ва Н. Янкиним «ўз касбининг энг яхши ёш устаси», деб эълон қилди,

Иккинчи ўринни Тракторсозлик заводининг токари Г. Бакиновский ва Экскаватор заводининг фрезерчиси Г. Уткинлар эгаллашди.

Ғолиблар Тошкент ва пойтахт область мусобақасида район шарафи учун курашиш ҳуқуқини олдилар.

БОЛГАРИЯ. Милка Норданова Станка Димитров шаҳридаги фармацевтика фабрикасининг энг яхши упаковшчиги. Кейинги йилларда бу корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ассортименти анча кенгайди.

И. Рабинович фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОШҚИН ҚУРБОНЛАРИ

ТУНИС, (ТАСС). Тунис маъмурлари мамлакат тарихида юз берган энг катта тошқинлардан бири етказган зарарни ҳисоблаб чиқишни давом эттирмоқдалар.

Сентябрь охирида республиканинг жанубидаги районларга ёққан уч кунлик сел натижасида дарёларнинг қуриб қолган ўзанлари жўшқин оқимга айланди. Пастликдаги районларнинг аҳолиси уйи ва мол-ҳолини ташлаб, тепаликларга чиқиб жон сақлашга мажбур бўлди.

Қишлоқ районларида 33969 уй вайрон бўлди. Бунинг натижасида 90 мингдан зиёд киши бошпанасиз қолди. 352 киши ҳалок бўлди. Туниснинг ғарби-жанубидаги Кафса райони айниқса зарар кўрди. Бу ерда тошқин натижасида 135 киши ҳалок бўлди.

Қутқариш операциялари давом эттирилаётган бўлсада, лекин катта-катта майдонлар ҳамон сув остида бўлганлигидан бу иш секинлашмоқда. Катта-катта районлар мамлакатнинг қолган қисмидан ажралиб турибди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ МУРОЖААТИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Маҳатма Ганди туғилган куннинг юз йиллиги нишонланаётганлиги муносабати билан Ҳиндистон президенти В. Гири умум Ҳиндистон радиоси орқали халққа мурожаат қилди. У ўз Ватани озодлигининг курашчиси, Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди Ганди идеалларига Ҳиндистоннинг содиқ эканлигини яна таъкидлаб ўтди. Бутун мамлакатимиз аҳли, деди президент, қайси тоифага мансублиги ва сиёсий маслагидан қатъий назар, улуғ курашчининг хотирасини ҳурмат билан эсга олади. У ажнабийларнинг кўп асрлар давом этган ҳукмронлигидан Ҳиндистонни озод қилиш ишига ҳаммадан кўпроқ ҳисса қўшган кишидир».

Президент ҳинд халқини Маҳатма Ганди васиятлари ва идеалларини амалга ошириш учун курашга янада мустаҳкамроқ жипслашишга чақирди.

ТЕҲРОНДА МУЗОКАРАЛАР

ТЕҲРОН, (ТАСС) Теҳронда иқтисодий ҳамкорлик юзасидан совет-эрон комиссиясида транспорт масалалари юзасидан музокаралар бошланди.

Музокараларда қатнашиш учун бу ерга СССР йўллар министрининг ўринбосари В. С. Гаврилов бошчилигида транспорт масалалари юзасидан бир группа совет экспертлари келишди.

Музокараларда Жульфа-Тавриз темир йўлини реконструкция қилиш ва электрлаштириш, темир йўл станциялари, кўприклар қуриш, Эрон территорияси орқали юк ташиш истиқболлари ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

СОВЕТ—ЭРОН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

ТЕҲРОН, (ТАСС) СССРнинг Эрондаги савдо вакили А. Г. Дроздов Эрон журналистлари учун уюштирилган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи Эрондан энг кўп товар сотиб олаётган биринчи мамлакатдир, деди. Совет Иттифоқидан Эронга юборилаётган товарлар орасида унинг иқтисодий тараққиёти учун айниқса зарур бўлган машиналар, комплекс асбоб-ускуналар биринчи ўринда туради. Ҳар иккала мамлакат ўртасида товар обороти ҳажми тобора кўпаймоқда. 1965 йилги 33,4 миллион доллардан 1968 йилда 130 миллион долларгача етди. Иккала қўшни мамлакат ўртасида савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи улар ўртасида товар оборотини янада кенгайтиришга ишончини кучайтирмоқда.

● *ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН*

ШАҲАР ҚАЛЪАДАН ЧИҚМОҚДА

Ғозинободни ҳатто унинг сингари аҳолиси юз минг кишигача бўлган юзлаб шаҳарчалар белгиси қўйилган йирик масштабли картадан ҳам қидириб топиш осон эмас. Лекин кўпни кўрган «Волга»миз бизни Деҳлидан у ерга атиги бир соат ичида етказиб қўйди. Эътиборга лойиқ бирон нарсаси бўлмаган оддий шаҳарча ҳаётини кўриш ва ундан мустақиллик йилларида мамлакатда юз берган ўзгаришлар белгисини қидириб топиш орзусида эдик.

Шаҳарни ривожлантириш трестининг бошқарувчиси, Кханн Тандан кабинетининг деразасидан қалъа деворларининг вайронаси кўриниб турибди. Ярмигача тупроқ билан қопланган шинаклар кўзини қисгандай деразага тикилиб туришибди.

1947 йилгача эски қалъа Ғозиободнинг табиий чегараси бўлиб келди, — деди Тандан, — бутун мамлакат бўйича мустамлакачилик қуршови тугатилгандан кейин шаҳар қалъа деворларидан ошиб ўтди.

Бошқарувчи дарпардани туширди ва бизни кўчага бошлаб чиқди.

Қалъа атрофида қурилган кварталлар унинг деворлари ичкарисида қолган киши қулочи кенглигидаги тор кўчалар ва букчайган дўкончалар тартибсизлигини кам эслатади. Кўчаларда енгил машиналар ва уч ғилдиракли велосипед ёнига қути-уйчалар ўрнатиб ясалган ғалати аравалар тўпланиб турибди.Бу араванинг қути-уйчасига: «Эҳтиёт бўлинг, болалар»... деб ёзиб қўйилган. Соат бир яримда маҳаллий транспорт воситаларининг бу ўзига хос кўргазмаси мактаб ўқувчиларини уйларига олиб бориб қўйиш учун Ғозиободнинг турли чеккаларига қараб йўл оладилар.

Бундан йигирма йил илгари, — деб изоҳ беради Кханн Тандан, — фақат инглизларгина қўлида газета ва китоб ушлаб юрарди. Ҳозир манзара ўзгарди. Айтгандай 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болаларни ўқитиш учун муниципалитет пул тўлайди.

«Рунша» деб аталган консерва фабрикасининг пастак бинолари ёнидан ўтиб кетяпмиз. Тандан: «ишчилар маоши икки баравар ошди» деб шарҳлайди. Ҳа, бу рост деб унинг сўзини тасдиқлайди ёнимиздаги иккинчи йўлдошимиз, бутун Ҳиндистон касаба союзлари конгресси маҳаллий бўлимининг секретари ўртоқ Жагат Пракаш. Иш ташлаш Жагат саводсиз бир ишчининг илтимоси билан шикоят ёзиб бергандан кейин бошланган экан. Шундан кейин маъмурият билан тинкани қуритадиган музокаралар олиб бориш учун уч ой оч аҳволда яшалди ва ниҳоят ғалаба қозонилди.

Кўчалар бўйлаб сариқ-қизил рангли батартиб уйлар саф тортиб турибди. Бу уйлар давлат хизматчилари, ўқитувчилар ва ишчиларга берилган.

Маданий алоқаларни ривожлантириш бўйича Ҳиндистон — Совет жамияти Ғозиобод бўлимининг секретари Рам Гупта «Оллохобод бэнк»нинг маҳаллий филиалини кўздан кечиришга таклиф этади. У бу ерда ҳисобчи бўлиб ишларкан. Бу банк Ҳиндистон ҳукуматининг қарорига биноан давлат мулки бўлиб қолган энг йирик молия уйлари рўйхатига киритилган эди.

«Оллохобод бэнк» бизни: «Ҳамма национализацияни қўллаб-қувватлаш учун митингга» деган плакатлар билан кутиб олди. Бу плакатлар кириладиган эшикка, деразалар ва йўлак деворларига ёпиштириб қўйилган. Бир оғиздан милтиқ ушлаган ва ўқдон тақиб олган чол бизни асосий залга ўтказиб юборди. Идора ходимлари ўз ишхоналаридан чиқишди ,жонли суҳбат бошланди. Майда пул қуювчилар билан шуғулланувчи хизматчиларнинг биридан:

— Баъзи газеталар хабар қилаётганидек пул қўювчиларнинг ўз пулларини қайтариб олаётгани ростми? деб сўрадик.

— Бўлмағур гап. Халқ национализациялаштиришдан қўрқмайди. Аксинча кейинги ҳафталарда кўпгина янги счетлар очилди. Мен бош министримизни тўла қўллаб-қувватлайман. Бу муҳим ва мутлақо зарур қадам. Биз банк хизматчилари бу бино томи тагида қандай найранглар ишлатилганини яхши биламиз.

Бизнинг охирги учрашувимиз «Ғозиобод энжи иринг» деб аталган фабрикада бўлди. Биз бу ерда бирон киши билан эмас балки... трактор билан учрашдик. Қизил эмалга бўялиб ярқираб турган бу трактор ёпқичига штамп қилинган «МТЗ» (Минск трактор заводи) ҳарфларини мағрурлик билан кўз-кўз қилиб бостирма тагидан юриб чиқди.

Бу фабрика совет тракторларига техника хизмати кўрсатади. Бу тракторлар Ҳиндистоннинг Панжоб, Уттар-Прадеш ва бошқа ғаллакор штатларидаги фермерлар томонидан кўплаб талаб қилинмоқда. Бош инженер Хим Гупта биз билан суҳбатлашар экан кўпгина рус сўзлари ва жумлаларини қўшиб гапирди. У Минскда тўрт ой тажриба орттирган киши.

— Бу тракторлар пишиқ ва ишончли қилиб ишланган, — деди Гупта Совет машиналарининг сифатини баҳолаб.

... Бизнинг «Волга»миз фақат кечасигина тош йўлга чиқиб олди ва ҳўкизлар қўшилган аравалар ҳамда юк машиналарини орқада қолдириб Деҳлигача бўлган милларни санай бошлади.

В. СИМОНОВ,
АПН мухбири.
Деҳли.

Мексика пойтахти Мехикода 12 километр масофадаги биринчи метролинияси ишга туширилди. Бу линия меҳнаткашларнинг Чапультапекдаги дам оладиган ўрмон боғини шаҳарнинг ишчилар посёлкаси билан бирлаштирди. Унинг 15 станцияси бор.

Суратда: «Инсурхентес» деб аталган станция олдида.

С. Сичев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Шанба оқшоми

КУЗ НЕЪМАТИ— ҚИШ ЗИЙНАТИ

ШИННИ

Узумдан: Оқ узумнинг энг яхши пишган бошларини совуқ сувда ювиб, яхшилаб эзасиз. Сўнг докадан ўтказиб, турупини (тўппасини) ташлаб, шарбатини сузиб оласиз. Шарватни қозонга қуйиб, қуйилгунча қайнатасиз. Вақти-вақти билан ёғоч куракчада кавлаб туринг. (Олов ўртача ёқилади).

Тайёр бўлган шиннининг ранги тўқ сарғиш бўлади.

Лавлагидан: Қанд лавлагисини арчиб, майда бўлакларга бўласиз-да, сувда қайнатиб пиширасиз. Сўнг пишган лавлаги бўлакларини сим элакдан ўтказиб эзасиз. Ҳосил бўлган шарватни лавлаги қайнатилган сувга қўшиб, қуюлгунча қайнатиб пиширасиз.

Қовундан: эзилиб пишган, сершарват, қалин этли қовунларни сўйиб, уруғини ва пўчоғини олиб ташлагандан кейин бўлакларга бўласиз. Сўнгра қовун бўлакларини эзиб, ҳосил бўлган шарватни қуюлгунча қайнатасиз. Эзилган қовунни турупи билан пишириб кейин суз-са ҳам бўлади.

БОДРИНГ ВА ПОМИДОР ТУЗЛАШ

Бодрингнинг майда-йириклари ва сарғайганлари ҳамда эзилганлари бир-биридан ажратилади. Эзилмаган ва сарғаймаган бодрингларни совуқ сув билан яхшилаб ювилган бочкага териш керак. Бодринг билан бирга бочкага укроп, саримсоқ, қизил қалампир, кашнич уруғи ва бошқа кўкатлар солинади. Бочка тўлгач, қопқоғи ёпилади ва устига оғирроқ нарса бостириб қўйилади. Сўнг бочка қопқоғидаги махсус тешикчадан бодринг устига намакоб қуйилади.

10 килограмм бодринг учун: 500 грамм саримсоқ, 300 грамм укроп, 8-10 дона қизил қалампир, 2 ош қошиғида кашнич уруғи, ўртага 1 туп райхон шохлари солинади. Намакоп 10 литр сувга 700 грамм сув ҳисобида тайёрланади.

Бодрингли бочка хона ҳароратида бир-икки кун сақлангач, совуқроқ жойга олиб қўйилади.

Помидор ҳам бодринг каби тузланади. Бунда ҳам помидорнинг чала пишганларини алоҳида, қизилларини алоҳида тузлаш керак. Зиравор ва ошкўклар, шунингдек, намакоб ҳам бодринг тузлагандагидек қилинади. Лекин қизил помидорни тузлаганда бир оз кўпроқ, яъни 10 литр сувга, 1 килограмм туз солинади.

К. МАҲМУДОВ.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Ақлнинг чироғи билим бўлса,
Унинг калити фаҳмдир.
Ақлли тиниқ сув ичар,
Ақлсиз лойқа сув кечар.
Ақл— ақлни йўргаклайди,
Ақлсиз курмаклайди.
Ақлли амалда,
Ақлсиз қамалда.
Марднинг изидан гул унар,
Номарднинг изидан нима унар?!
Ширин тил билан
Кўнгил бўстон бўлур.
Аччиқ сўз билан
Кўнгил яксон бўлур.
Ёмон киши бирла бўлур дил пора,
Яхши киши бергай минг дардга чора.

Каттақўрғон районидаги 21-мактаб ўқитувчиси **Абдулла РЎЗИЕВ** ёзиб юборган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ.
Г. Перменов фотоси.

Бизнинг маслаҳат

Гулзор қандай барпо этилади

Ўзбекистон шароитида гулзор ва бошқа манзарали гулларни экиш ишлари кузда (октябрь ойи ва ноябрь бошларида) олиб борилади. Чунки бизда куз жуда иссиқ ва узоқ муддатга чўзилади. Баҳор эса жуда қисқа бўлади. Кузнинг узун бўлиши гулларни бемалол экиш ва совуқ тушгунча униб олишига имкон беради.

Гулзорнинг қандай бўлиши ва унинг жойланиши боғбоннинг дидига боғлиқдир.

Аввало гулзор учун ажратилган ерга кун бўйи қуёш нури тушиб турадиган бўлиши керак. Гулзор барпо этилаётганда гулпушта ва ариқлар ёнидан йўлкачалар қолдирилади. Гулпушта ҳамда ариқлар тупроғи унчалик баланд кўтарилмайди. Чунки бундай қилинганда ёзнинг иссиқ кунларида тупроқ тезда қуриб қолади.

Тез шохлаб, сада тусига кирувчи гулларни дам олиш жойлари, шийпонлар ёнига, ариқлар бўйига эккан маъқул. Қолган турдаги гуллар эса оддий тартибда экилаверади.

Агарда гулзорга бир неча хил гул экиладиган бўлса, ўсиб етилаётганда уларнинг бўйи қай даражада бўлишига эътибор бериш керак.

Гулзор учун бир йиллик ниҳоллар олинади ва экишдан олдин кераксиз шох ва илдизлари қирқиб ташланади. Чайно-гибрид, пернециан ва йирик гулли полиант ниҳолларида экишдан олдин 3—5 бўғини қолдирилиб қирқилади. Бошқа группалардаги гулларда эса 5—7 бўғин қолдириб қирқиш керак.

Ниҳол экишдан олдин ер 15—18 сантиметр чуқурликда юмшатилади ва яхшилаб текисланади. Сўнг эни ва бўйи 40 сантиметрдан иборат жой тайёрланади. Ниҳол ана шу чуқурчага экилади.

Ниҳоллар кўкариб кетгунича яхшилаб суғорилиб турилади. Кузда экилган гул ниҳолининг таги тез-тез юмшатиб турилгани яхши. Совуқ тушиши билан тупроқ гул атрофига тўплаб қўйилади.

Яхши экилган, агротехника қоидаларига риоя қилиб парвариш этилган гуллар баҳордаёқ очила бошлайди.

Л. КРАВЧЕНКО,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғининг катта илмий ходими.

Сиз суратда кўриб турган гулзор ўрни бундан икки йил илгари бўм-бўш ер эди. Ўқувчилар мактаб теварак-атрофига 2000 дона турли гул кўчатлари экиб, мактаб территориясини анвойи гулларга буркаб ташлашди.

СУРАТДА: пойтахтдаги 201-мактабнинг 7-синф ўқувчилари директор Муҳаррам Тошхўжаева билан гулзорларни бегона ўтлардан тозаламоқдалар.

Х. Шодиев фотоси.

● *Табиат оламида*

Ғорлардаги «ҳаёт»

Диёримиз ажойиботларга жуда бой. Республикамизнинг тоғлик қишлоқларида бўлсангиз, турли ғорларни кўрасиз.

Қашқадарё областининг Янкабоғ районидаги тоғлиқ «Коммунист» колхози атрофларида ана шундай ғорларни кўплаб учратиш мумкин. Бу ғорларнинг айримлари ўзининг асрий сокинлиги билан кишида ажойиб таассуротлар уйғотади.

Манжар қишлоғи чеккасидаги ғорларга Ленин номли мактаб ўқувчилари кўпинча экскурсияга чиқиб туришади. Яқинда бўлган экскурсия жуда ажойиб ўтди.

Туятош деб аталган улкан ҳарсанг узоқдан юриб бораётган туяни эслатади. Ана шу ҳарсанг устида бемалол ўн киши ўтириши мумкин. Ундан нарироқда катта жарликлар бошланади. Бу ерларда юлғунлар қизғин гуллаган, қиёқ ўтлар атрофга ёйилган. Пастда суви совуқ Қизилдарё қирғоққа тўш уриб ётибди. Жарликларда булоқ сувлари жилдирайди. Бир ўқувчимиз: «Қаранг, калхат», деб юборди.

Калхат катта қора илонни чангаллаб, пастликка шўнғиди. Калхат тушган жойга югурдик. — Эҳ-ҳе, ғор-ғор! Ўқувчилар чуввос солишди. Калхат «ўлжаси»ни ғор ичига олиб кириб кетди. Узунлиги бир ярим метр келадиган илон афтидан калхат болаларига ем бўлган бўлса керак. Ғорнинг ичига одам кириши мумкин. Аммо, қоронғилик, қолаверса (балки заҳарли илон бордир) турли хаёллар бунга йўл бермас эди. Бир вақт калхат ғордан шитоб билан чиқди-ю, осмонга парвоз этди.

Ғорнинг узунлиги қанча экан? Буни билиш қийин эди. Аммо ғорнинг устидан тахминан 150 метрча юрганимизда яна кичик ҳажмли тешик чиқди. Тешик атрофида товуқ патлари ва қурбақа пўстлари ётарди. Бу ғорда тулки ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Чунки, кечаси юрадиган ҳар қандай ёввойи ҳайвонга бу жой «оромбахш меҳмонхона» эди.

Сафаримиз ҳам тугай деб қолди. Қуёш тоғлар орқасига яширинарди. Атроф файзли ва кўркам. Тоғда ажиб камалак пайдо бўлди. Ўқувчилар тоғ гуллари ва хилма-хил тошлар олиб қайтдилар.

Э. ҲАСАНОВ,
Қашқадарё области, қишлоқ ўқитувчиси.

Бу лобар қизлар —Ленин номли электрон-техника заводининг бадиий ҳаваскорлари. Улар унумли меҳнат қилиш билан бирга, бўш вақтларини маданий қувноқ ўтказадилар.
М. Нуриддинов фотолари.

Элвард КОПЧИНСКИЙ
(Польша).

ТАКЛИФ

Ҳажвия

ЭРКАК: (қўлида гул) — Қимматли пани Ядя. Бу ерга менинг нима боисдан келганлигимни билгандирсиз дейман, чунки ишларим ҳам юришмай қоляпти... (терга ботиб). Пани Ядика танишганимизга ҳам мана бир йилча бўлиб қолди, бир инга кириб-чиқаётган чумолига ўхшаб бир ташкилотда ишлаймиз. Барчага жуда яхши хизмат қилаётганингизни кўриб турибман (ҳаяжонланиб). Ҳаммага ҳам анкета ундай, ариза эса бундай тўлдирилади ёки ёзилади, деб ғоятда хушмуомалалик, табассум билан тушунтирасиз... Нимасини айтай, бошим гўрга киргунча ҳамиша шундай маслаҳат сўраб турувчингиз бўлиб қолсам ғоятда бахтли бўлардим.

АЁЛ: (такаббурона) — Ҳамкасабам Странчек, аллақачондан бери таклифингизни кутардим, уни қабул қилишга тайёрман дейишим мумкин деб ҳисоблайман. шундай бўлса-да, сизнинг қанчалик яхши-ёмонлигингизни билиб олишим керак.

ЭРКАК: (жонланиб) — Мен жудаям тўғри одамман пани Ядяхон, ахир ҳар куни мени кўриб турибсиз-ку.

АЁЛ: (такаббурлик билан кулиб)— Шунинг ўзи кифоя қилади, деб ўйлайсизми?

ЭРКАК: (шодланиб) — Бўлмасам-чи, ахир одам ишда синалади-да.

АЁЛ: (такаббурлик билан)— Кечирасиз, ҳурматли касбдош, сизнинг фикрингизга қўшила олмайман. Мабодо, таклифингизга жиддийроқ муносабатда бўлишимни истасангиз, менга справкалар тақдим этасиз.

ЭРКАК: (довдираб) — Қанақа?

АЁЛ: (хотиржамлик билан) — Марҳамат, ёзинг.

ЭРКАК: (ҳали ҳам ўзига келолмай) — Пани Ядя, Ядяхон...

АЁЛ: (қатъий). Касбдош Странчек, ортиқча илтифот керакмас. Қани, ёзасизми ёки йўқми?

ЭРКАК: (итоаткорона) — Ёзишга тайёрман.

АЁЛ: (қатъий)— Биринчидан, уйланмаганингиз тўғрисида справка.

ЭРКАК: (енгиллашиб) — Паспортим ёнимда. Мана, кўринг (паспортини узатади).

АЁЛ: (кўздан кечириб)— Тўғрику-я, лекин иложим қанча, менга справка зарур. Паспортингиз бир йил илгари олинган экан.

ЭРКАК: (киссасидан рўмолчасини олади) — Ўшандан бери бирорта ҳам ўзгариш бўлмаган.

АЁЛ: (табассум билан) —Кассир Грошекни биласизми? Бир йил ичида икки марта уйланиб, уч боласи билан ажралиш-ди.

ЭРКАК: (пешонасидаги терни артиб) — Бир йилда уч боласи билан?

АЁЛ: (такаббурлик билан) — Эгизак туғилибди, ахир, шунақа ҳодисалар ҳам бўлиб турибди-ку.

ЭРКАК: (рўмолчасини яшириб) — Тушунаман. Сиз яна нималар талаб қиласиз?

АЁЛ: (табассум билан) — Болаларингиз йўқлигига... справка. Касбдошим Странчек хотини бўлмаса ҳам болалик бўлиши мумкин. Алимент тўламаслигингиз учун суддан марҳамат қилиб справка олиб келинг.

ЭРКАК: (рўмолчасини олиб) — Яденькахон нималар деяпсиз, бунақанги нарсаларни асло тушимда ҳам кўрмаганман.

АЁЛ: (гердайиб)—Шунақа денг. Сливкани эслайсизми, бунақаларни у ҳам тушида кўрмаган экан, лекин олган маоши сигарета олишга ҳам етмасди.

ЭРКАК: (юзидаги терини артиб)— Тўғри бўлса тўғридир-да. Яна нималар керак экан?

АЁЛ: (кулиб) —Қайси йиллари ўқигансиз ва қачон диплом олганингиз тўғрисида институтдан справка зарур.

ЭРКАК: (юзидаги терини артиб)— Бахтимга дипломим ҳам ёнимда экан (дипломини узатади). Марҳамат, кадрлар бўлимини ҳам шубҳага солмаган.

АЁЛ: (унга кулиб боқади)— Уни қаноатлантирган бўлиши мумкин, лекин менинг ўзим ишонч ҳосил қилишим керак. Касбдошим Странчек, тушунсангизчи, борди-ю, ўзимизнинг ташкилотимизда бирорта кўнгилсиз воқеа юз бериб қолгудай бўлса, сизни ишдан ҳайдаб юборишлари, мени эса сиздан ажраштирмасликлари мумкин.

ЭРКАК: (бўйнидаги терини артиб)— Қанақанги ажралиш ҳақида гапиряпсиз, пани Ядя?

АЁЛ: (кескин)— Бир минут сабр қилинг, сиз яна ўрта мактабни тамомлаганлигингиз ҳақида ҳам справка тақдим этасиз.

ЭРКАК: (шикоятомуз) Бўлмасам дипломни қандай олган бўлишим мумкин деб ўйлайсиз?

АЁЛ: (такаббурона)— Диплом ўз йўлига, афтидан, сиз газета ўқимайсиз дейман. Яқинда бир докторни ўрта маълумоти йўқ деб танқид қилишди-ку.

ЭРКАК: (кўзини бақрайтириб) — Ҳа, тўғри, ҳақиқатан ҳам танқид қилинган.

АЁЛ: (гердайиб)— Соғлиқ тўғрисида оғиз очдингиз, шу боисдан психиатордан справка, қон, рентген ва электрокардиаграмма д а н анализ олиб келинг. Ана шуларнинг ҳаммасини менга берганингиздан кейин рози эканлигимга ишонч ҳосил қилаверасиз.

ЭРКАК: (маъюсланиб) —Жонгинам. Ҳозир менга бирор нарса ҳам айтолмайсизми?

АЁЛ: (елкасини қисиб) — Ҳамкасбим Странчек. Справкаларсиз ҳеч нарса қила олмайман, ҳаким йўқ, ахир, умр ҳазил эмас. Мен давлат идораси эмасман, шахсий одамман.

Русчадан
Т. УНАБОЕВ
таржимаси.

АЁЛЛАР ФЕЪЛИ

ЮМОР

Мана, уйланганимга ўн йил бўлди, хотинимнинг феълини яхши биламан деб ишонч билан айтаоламан. Агарда мен унга туфли сотиб олмоқчи бўлсам, магазинга бораман, сотувчи билан бизнинг ўртамизда тахминан шундай гап бўлиб ўтади:

Сотувчи: — Туфли қандай рангда бўлсин?

Мен:— Бари бир, Сизга қайсиси ёқса бўлди! Хотиним ҳар қандай вазиятда ҳам туфлини алмаштириш учун бари бир магазинга қайтадан келади.

Аммо, кеча шундай воқеа юз берди-ки, туфли учун мен хотиним билан магазинга боришга мажбур бўлдим.

Хоним креслога ўнғайлаб ўтириб олди-да, одатдагидек, бир туфлидан кейин иккинчисини кийиб кўра бошлади.

— Биласизми,— деди бирдан хотиним жиғи-бийрони чиқаётган сотувчига, — мен биринчи марта ўлчаган туфлини олишга қарор қилдим, шуни берсангиз.

— Афсуски, мумкин эмас: у роса икки соат илгари сотиб юборилган — жавоб берди сотувчи.

Хотиним магазиндан авзойи бузилиб, хафа бўлиб чиқди.

Мен уни эшик олдида кутиб олдим-да, туфли солинган коробкани узатдим. Хотиним кийиб кўрган биринчи туфлини ўша замоноқ сотиб олган эдим. Ахир, мен ўз хотинимнинг феълини яхши биламанда!..

О. МИК.

СУРАТДА: шаҳар ёш сартарошларининг гўзаллик конкурси мусобақасида.

Хандалар

УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ

ПОРТУГАЛИЯДАГИ Бежа шаҳрида қизиқ воқеа содир бўлди. Мауэль Гастар деган шахсга никоҳ гувоҳномасининг нусхаси керак бўлиб қолди. Шу сабабли у шаҳар маҳкамасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. У ерда никоҳнинг қайд қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси топилмади. Гастарга очиқдан-очиқ: «Сиз уйланмаган бўйдоқлардансиз»,— деб жавоб беришди.

Бечора Гастар ўзининг йигирма тўққиз йилдан буён қонуний никоҳда эканлигини тасдиқловчи бир қанча гувоҳларни ҳам олиб келди. Бу ҳам ёрдам бермади. Маҳкама ходими справка беришдан воз кечди. Шундан сўнг Гастарга қайтадан хотини Лаурага уйланишга тўғри келди. Никоҳ вақтида гувоҳ сифатида Гастарнинг 28 яшар ўғли қатнашди. Бундан ташқари, Гастарнинг яна тўрт боласи бор эди. Иккинчи бор никоҳ қайд қилингандан сўнггина маҳкама ходими никоҳнинг ...1967 йилда бўлганлигини кўрсатувчи белги билан гувоҳнома беришга мажбур бўлди.

Қуёш қачон тутилади?

Маълумки, ўтган йили 22 сентябрь куни Совет Иттифоқи территориясида қуёшнинг тўла тутилиш ҳодисаси учраган эди. Бу пайтда об-ҳаво ҳам кузатиш учун қулай бўлиб, астрономлар муҳим илмий ўлчовлар олиб боришга муваффақ бўлдилар.

Негадир матбуотда ўтган йилги қуёш тутилиши— йигирманчи асрдаги Совет Иттифоқида бўлган энг охирги тутилишдир, деган гаплар тарқалди. Лекин бундай эмас экан.

Иттифоқимизда навбатдаги қуёш тутилиши яна уч йил ўтгач, 1972 йил 10 июль куни содир бўлади. Қуёш тутилиши эрталаб бошланиб, аввал Сахалин, кейин эса Охота денгизи, Камчатка, Корянск ва Чукотка томон силжий бошлайди.

Ундан кейинги қуёш тутилиши 1981 йил 31 июль куни Кавказ, Грузия ССР, Ставрополь ўлкаси ва Қозоғистон устида содир бўлиб, Новосибирск, Кемерова, Красноярск, Братск, Амур области (бу ерда қуёш тутилиши туш пайтига тўғри келиб, 130 секунд давом этади), Хабаровск ўлкаси, Сахалин ва баъзи бир Курил оролларида ҳам кузатилади.

1990 йил 22 июлдаги қуёш тутилишини ҳам Совет Иттифоқи территориясида кузатиш мумкин. Шу куни қуёш Дм. Лаптев бўғизи районида 156 секунд давомида беркиниб туради.

1997 йил 9 мартдаги қуёш тутилиши ҳақиқатан ҳам Иттифоқимизда XX асрдаги энг охирги қуёш тутилиши дейилса бўлади. Бу пайтда Индигирка дарёси яқинида тўлиқ тутилган қуёш 168 секунд давомида ойнинг орқасида бўлади.

В. А. БРОНШТЭЙН.
физика-математика фанлари кандидати.

Рассом табассуми



Ўз қадрини ўзи билган йўловчи.



— Ойи, менга ҳам тугун қилиб беринг, «меҳмон-меҳмон» ўйнаймиз.



ХОТИН:— Тутган балиғингиз мен магазиндан олиб келган балиққа ем бўлақолсин.



— Менга билет бермаган автомат жарима тўласин!



«Тоза ҳавода дам олиш».

Ё. ОДИЛОВ расмлари.

И. ГУБЕРМАН.

ИНСОН НИМАЛАРГА ҚОДИР

«Мени тез-тез 28 соатга кўмиб қўйишади,—деди Рамананда. —Тажриба ўтказилаётган кабинада камида 24 соат туришим мумкин эди. аммо баданимнинг асбоблар ўрнатилган жойлари оғрий бошлади»—шундай деб у пешонаси, бармоқлари ва оёғидаги доғларни кўрсатди.

Тажриба вақтида ўзингизни қандай сездингиз? Қандай туйғулар юз берди?»— «Ғалати образлар пайдо бўлди, сўнгра ёп-ёруғ нур кўрдим»,— «Кейинчи?»— Бошқа ҳеч нарса айта олмайди. «Мен ҳали йогизмни ўрганишда янгиман.— дейди 17 йилдан буён йогизм билан шуғулланаётган Рамананда камтарлик билан...— Мен бошқа нарсани кўрсатишим мумкин».

Шундай деб у яшчикдан магнитофон олди. «Менинг юрагим қандай уришини эшитинг»— деди у. Юрак уришининг товуши эшитила бошлади. Юрак уриши тобора заифлашиб, сўнг бутунлай жимлик чўкди. «Юрагимнинг уриши тўхтади»—деди йог. Бу товуш медицина коллежида тажриба ўтказилаётган вақтда ёзиб олинган эди.

Баҳслар ва гипотезалар

Бугунги кунда ҳеч қандай мистик жумбоқлар ва ўта қобилиятли йоглар йўқлигига ишонган олимлар йогизм сирларини очишга уринмоқдалар. Мия ва нерв системаси организмга, унинг улкан резервларига ҳукмронлик қилинишини исботловчи ишончли далиллар бор. Бироқ бу ҳукмронлик деталларини, резервларини ишга тушириш механизмини ўрганиш ҳозирча баҳслар ва гипотезалар, тахминлар босқичидадир.

«Кўмилиш»ни изоҳлаш учун мутахассислар «анабиоз» сўзини тез-тез тилга олмоқдалар. «Анабиоз» оғир шароитда модда алмашувининг камайиш ҳолатидир. Кўп ҳашаротлар, қуртлар ва қуйи организмлар қишда анабиоз ҳолатида бўлади. Уларга нисбатан қишки уйқуга кетган ҳайвонларда модда алмашуви сал тезроқ бўлади. Бироқ ҳаётий функцияларнинг бундай пасайишини ҳам шартли равишда анабиозсимон деб аташ мумкин.

Кўп тадқиқотчилар, йогларнинг «кўмилиш» вақтидаги ҳолати ҳам анабиозга ўхшаш, деган фикрга қўшилмоқдалар. Узоқ давом этувчи анабиоз ҳолатида, нафас олиш жуда камайганда (ва ҳатто тўхтаб қолганда) кислород йўқлигида организмнинг энг нозик қисмлари, биринчи навбатда нерв ҳужайралари қандай қилиб ўлмай қолади — буни ҳозирча билмаймиз.

Йоглар «кўмил»ган вақтда модда алмашувининг энг муҳим звеноси узилгандек бўлади-ку, яъни организмга кислород кирмайди, карбонат ангидрид гази чиқариб юборилмайди, бу газ кўп миқдорда тўпланса, хавфли заҳарга айланади. Шуларни ҳисобга олиб, бу ҳолатда бевосита организм ҳужайраларидаги кислороддан фойдаланилади ёки жонли тўқималар ҳужайралари модда алмашинувининг алоҳида, ўта тежамли режимига ўтади, деб тахмин қилмоқдалар. Лекин бу гипотезалар жиддий илмий маълумотлар билан мустаҳкамланмаган.

Шу мавзуда ёзувчи мутахассислар сувда яшайдиган сут эмизувчи ҳайвонлар нафас олмай сув остида узоқ вақт бўлишини айтадилар. Масалан, Антарктика районида тюленлар 40 минутгача сув остида тура олади, китлар нафас олмай, сув остида бир соатча, кашалотлар икки соатга яқин тура олади. Америка олимлари Ирвинг ва Шолингер ҳайвонларнинг бу қобилияти механизмини ўрганишди. Улар, юрак фаолиятининг секинлашуви, энг муҳим органларнинг қон билан етарли таъминланиб, тананинг бошқа қисмларида қоннинг камайиши, кислород ташувчи ва ундан запас қилувчи модда—гемоглобиннинг қонда кўп бўлиши каби факторлар сув остида узоқ вақт бўлишда катта роль ўйнашини аниқладилар. Шуниси қизиқки, организмнинг бундай хусусиятлари тез-тез ва узоқ вақт сув остида бўладиган кишиларда (масалан, марварид қидирувчиларда) бир мунча ривожланган бўларкан. Бу машқ қилиш натижаси эмасмикин?

Оғриқ, ўт ва организм

Бизнинг илмий тасаввурларимизга мутлақо тўғри келмайдиган яна бир ғайри табиийлик тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Гап олов устида юриш ҳақида бормоқда. Бундай воқеани Ҳиндистондагина эмас, Индонезия ва Япония оролларида, Африка мамлакатларида ва Полинезия оролларида кўрганлар. Қуйида Бали оролида шундай воқеани ўз кўзи билан кўрган кишининг ҳикоясини келтирамиз.

Кичик майдонда оқ шамсия очилди. Бу эса маросимга коҳин ҳам келганлигини кўрсатади. Кичик стол устида маросим ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар турибди. Икки ёш қиз байрам либосини кийиб олган. Коҳин уларнинг олдига нимадир солинган идишни суриб қўйди. Бу идишдан кишини маст қилувчи буғ кўтарилардн. Қизлар шу буғдан нафас олишди. Иккаласи ҳам тобора кўпроқ ҳаяжонга туша бошлади. Коҳин уларнинг қўлига елпиғич берди. Раққосалар эса елпиғич билан ажойиб рақсга тушишди.

Ердамчилардан бири гулхан ёқиб юборди. Қизлар кўзлари юмуқ ҳолда ўт атрофида рақс туша бошладилар. Биз эса қизлар ўтга тушиб кетмаса, деб қўрқиб юрагимизни ҳовучлаб турибмиз. Улар ўт атрофида айланиб, тобора гулханга яқин кела бошладилар. Сўнгра қизлардан бири югуриб келганча яланг оёқлари билан олов ичига кирди, унинг кетидан иккинчиси эргашди. Қизлар ёнаётган ёғочларни яланг оёқлари билан топтаб рақс туша бошладилар. Рақс ва музика авжига чиқди. Шу пайт бу қизларгина эмас ,бизнинг ўзимиз ҳам гипноз ҳолатида бўлгандек эдик. Лекин шу пайт кокос ёнғоғи пўстлоғи томошабинлар орасига тушиб, куйган кийимнинг ҳиди чиқди... Йўқ, бу туш эмас, балки ҳақиқат, қизлар чиндан ҳам яланг оёқлари билан олов ичида рақс тушаётган эди. Тўсатдан рақс тўхтади. Ҳолдан тойган қизларни коҳин курси олдига олиб келиб, яна бояги нарсани ҳидлатди. Қизлар ўзига келишди. Уларнинг ёнига бориб, ҳали қизлар жуда ёш эканлигини, улар ҳозир маросим рақсини ижро этганликларини билдик. Иккаласи ҳам табассум қилиб турарди. Оёқларида эса бирорта ҳам куйган жойи йўқ эди. Келлог деган олим Таитида ўт устида юриш маросимини кўрган. Маҳаллий кишилар ўн икки метр узунликдаги чўғ бўлиб турган тош устидан яланг оёқ юрганлар. Тошлар шунчалик қиздирилган эдики, томошабинлар иссиқнинг зўридан яқинроқ бора олмас эдилар. Келлог синаб кўриш учун тош устига чувагини ечиб ташлаганда, ўша замони ёниб кетган.

Келтирилган бу мисолларга ишонмай иложимиз йўқ. Лекин олов устида оёқ яланг юриш ва куймасликнинг сабаблари аниқланмаган. Бу ҳодиса фан учун тамомила жумбоқдир. Бу хусусда жуда кўп тахминлар ва гипотезалар олға сурилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам хато бўлиб чиқди.

Лаборатория шароитида ўт ичида юришни текшириш бу ҳодиса ҳақиқат эканлигини тасдиқлади. Лекин уни изоҳлаб беролмади.

Лондондаги психологик тадқиқотлар жамиятида Куда Бакс деган ҳинд уч метр узунликдаги кўмир чўғи устидан юрди. Бу тажрибани киноплёнкага суратга олишди. Тажриба ўтказишдан олдин Бакснинг оёғини яхшилаб ювиб қуритишди. Оёққа олдиндан бирон нарса суртилгани аниқланмади. Товон териси юмшоқ бўлиб, ҳеч қандай қадоқ йўқ эди. Бакс чўғ устида шошилмай тўрт қадам олға босди, сўнг орқасига ўгирилди, яна шошилмай тўрт қадам юрди. Шундан сўнг ҳам тери ҳарорати аввалгича (27 даража) қолаверди. Оёқ мутлақо куймади.

Бироқ Бакс иккинчи марта чўғ устида юришга тайёрланаётганда тўсатдан тўхтаб қолди ва ҳаяжон билан тадқиқот комиссияси аъзоларига деди: «Менда қандайдир ўзгариш юз берди, мени кечиринглар, тажрибани такрорлай олмайман. Ўзимга ишончим қолмади, куйиб қолишим мумкин».

Бакснинг бу гаплари диққатга сазовордир. Бу гаплар ҳозирча номаълум бўлган қандайдир психофизиологик механизм мавжудлигини кўрсатади.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки биз ҳали нерв системаси ва терининг муносабатларини яхши билмаймиз. Чунончи, 1964 йилда Берлин-Гейдельбергда бўлган халқаро физиологик конгрессда ўз-ўзини ишонтириш орқали баданда оловда куйган каби белгиларни ҳосил қилиш ҳодисаси муҳокамага сабаб бўлди. Инсон мияси структураларида гипноз таъсирида ҳосил бўлган куйиш ҳақидаги сигнал нерв толалари орқали қайтиб, баданда куйган каби белгилар ҳосил қилиши фан учун ҳамон жумбоқ бўлиб қолаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Гипноз ёрдамида бундай «куйдирганда» баданда ҳақиқий куйган каби белгилар пайдо бўлади.

Фанда ҳал этилмаган масалалар, проблемалар, жумбоқлар ҳали жуда кўп. Улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

(«Наука и религия» журналидан)

(Давоми. Боши газетанинг 231, 232-сонларида).

ФОТООБЪЕКТИВДА ОНА-ВАТАН

Озарбайжон ССР. Сиз суратда Евлах темир йўли яқинида жойлашган Истису дам олиш уйининг сув ваннаси қабул қилиш корпусини кўриб турибсиз. Шу йили Истисуда минга яқин киши дам олади.

Н. ИГНАТОВ фотоси.
(ТАСС фотохроникаси)

◆

Запорожье «Коммунар» заводининг конвейеридан бирин-кетин «ЗАЗ-966» маркадаги запорожец машинаси кўплаб чиқарилмоқда.

Суратда: (юқоридан чапда) «Запорожец» автомобилининг янги моделлари заводнинг бош конвейерида.

А. КРАСОВСКИЙ фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

◆

Сумскийдаги музикали драма театрида, журналист Михаил Галушконинг «Қушлар момақалдироқ томон учади» спектаклининг премьераси бўлди.

Суратда: спектаклдан кўриниш.

В. Дьяченко фотоси.
ТАСС фотохроникаси

АЖОЙИБ ЙИГИТ

ҲОДИСА

Биз 27-автобусда Байналминал кўчасидан Чилонзор массиви томон борар эдик. Кўприкка яқинлашганимизда, йўловчилар «ҳай-ҳайлаб» машинани тўхтатишди. Билсак, бир киши қаттиқ жароҳатланибди. Ярадорни бошқа машинага чиқариш учун автобус шоферини ёрдамга чақиришган экан. Ҳайдовчи автобусни тўхтатиб ёрдам бериш учун югуриб кетди.

Шу пайт кутилмаганда автобусимиз ўз-ўзидан юриб кетди. У тўғри анҳор томонга юриб борарди. Ҳаммамиз саросимада қолдик. Нима қилиш керак?!

Автобусдан бир йигит ҳайдовчи кабинасига кичкина ойнадан бир амаллаб кирди-да, тормозга тирмашди. Автобус тўхтади. Ҳамма йўловчилар йигитнинг эпчиллигидан хурсанд бўлишди. Шошиб қолганда унинг кимлигини сўрашни унутибмиз. ЛЕКИН АНА ШУНДАЙ АЖОЙИБ ЙИГИТЛАРИМИЗ БОРЛИГИ , БИЛАН ФАХРЛАНСАК, АРЗИЙДИ!

С. ИНОҒОМОВА,
йўловчи.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

4 октябрь

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Музикали салом (ўзбекча). **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча) **19.20** Республика санъат усталарининг концерти. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). **20.30** Ешлик қўшиқлари. **21.00** «Қардош социалистик мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** «Қўшиқчи шоир Уткир Рашид» деган суҳбатли концерт. **22.20** «Шанба оқшомида» деган концерт. **23.10** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Узбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари (русча). **20.00** Шарқ халқларининг қўшиқлари **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** «Профилактика ва саломатлик» (русча). **21.00** Оқшом куйлари. **21.40** Уқитувчилар кунига бағишланган адабий музикали эшиттириш (татарча).

5 октябрь

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

6.15 Тонгги концерт. 7.45 «Шогирдлар устозлар ҳақида» деган эшиттириш (ўзбекча). 8.25 «Ўқитувчилар, сизлар учун» деган концерт. 9.30 Шарқ куйлари. 10.10 «ТАБАССУМ» радиожурнали. 11.35 «Таниш куйлар» деган концерт. 12.15 «Эрталабки салом!» (Москва). 13.30 Ўқитувчилар учун концерт (русча). 15.00 «Бугун Ўқитувчилар куни» деган эшиттириш (ўзбекча). 15.10 «Ўқитувчиларнинг талабларини адо этамиз» деган концерт (ўзбекча). 15.50 «Олмалиқ зарбдори» деган эшиттириш (русча). 17.40 «Экран янгиликлари». 18.00 «Музикали глобус» (ўзбекча). 18.40 Б. Квернадзе Хореографик поэма. 19.00 Футбол. «Уралмаш» — «Пахтакор». Свердловск шаҳридан олиб эшиттирилади. 20.10 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. 21.00 «Мамлакатлар ва қитъалар 21.10 Пахтакорлар учун концерт. 22.20 «Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш 23.20 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Биринчи муаллима» деган концерт. 9.15 Реклама ва эълонлар. 19.00 Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.30 «Хайрли кеч» деган музикали эшиттириш (русча). 20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). 21.00 Дам олиш концерти (тожикча). 21.30 «Ленинннома» программаси (ўзбекча).

ТЕЛЕВИЗОР

4 октябрь

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Узбек тилида: 17.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Азамат ўлка» ёшлари». **18.30** Телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.45 Эфирда «Молодость». «Салом, дўстим». Ўзбек пахтакорларининг Иваново тўқимачилари билан учрашуви. **19.45** Рангли телевидение программаси. **21.00** «Ҳукмрон синф», «Изланиш ва кураш йўлида». **21.30** Рангли телевидение программаси. **00.30** Социализм дунёси. **01.00** Эркаклар ўртасида баскетбол бўйича Европа биринчилиги. Финал. Эшиттириш Италиядан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида янгиликлар ва киножурнал. **02.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.45 «Буни ҳамма билиши керак» (рус тилида).

Узбек тилида: 19.05 Сахий куз неъматлари. **19.45** Спорт ҳафта ичида. **20.05** Телефильм. **20.45** Узбек халқ куйларидан концерт. **21.35** «Энг биринчилар». Бадиий фильм.

5 октябрь

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Гимнастика ҳамма учун (ўзбек тилида).

Рус тилида: 10.20 «Қуёнлар кулбаси». Ёш томошабинлар театрининг спектакли олиб кўрсатилади. 11.20 «Буратино Ойга учмоқчи». Болалар учун қўғирчоқ фильм.

Узбек тилида:

12.15 «Қизил галстук» тележурнали. 12.55 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм. 16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 17.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Олов қалбли кишилар». 18.30 «Устоз ва мураббий». Уқитувчилар кунига бағишланади. 19.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.00 Ун минут музика. 20.10 Илғор теримчиларга тенглашинг! 20.30 Эстрада шинавандалари учун. Муҳаббат Шамаева куйлайди 21.10 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм (4-серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
УҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

10.00 Немис тилидан иккинчи машғулот. 10.30 Олий математика. 2-курс (рус тилида). 11.30 Инглиз тилидан 2-машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. 12.15 Янгиликлар. 12.30 Болалар учун. «Будильник». 13.00 Музикали киоска. 13.30 «Здоровье». Илмий оммабоп программа. 14.00 Уқувчилар учун. «Фанга йўл». 15.00 Интервидение. «Кичик одамларнинг катта ишлари». ГДРдан олиб кўрсатилади. 16.00 Бугун — Ўқитувчилар куни. 16.30 «Ленинград бойликлари». 17.00 Рангли телевидение программаси. 18.00 Киносаёҳатчилар клуби. 19.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш 19.30 Қишлоқ янгиликлари. Тошкентдан олиб кўрсатилади. 20.30 Музикали календарь саҳифалари. 21.00 Эстрада қўшиқлари III халқаро ёшлар фестивалининг ёпилиши. Эшиттириш Сочидан олиб кўрсатилади. 23.15 «Етти кун». Халқаро программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/X да **Шоҳ Эдип.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Венгер ва Совет цирки усталари гастролларининг сўнгги кунлари.**

КИНО

4 октябрда

ҚИШКИ БИНОДА

Бурган — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК», «УЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Дворянлар уяси — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Тариэл Голуа — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Ёғоч санамлар сири — «МОСКВА» (кечқурун).

Сохта Изабелла — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Кичик ҳикоя учун сюжет — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-45, 8-30 минут ва 10 да).

Джазда фақат қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 9-45 минутда).

Тош бағридаги достон —(кеч 7-20 минутда, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

5 октябрда

ҚИШКИ БИНОДА

Бурган — «ЧАЙКА», «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Дворянлар уяси — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Утган кунлар — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ва 5 да), НАВОИЙ номли (кундуз 3 да)

Ёғоч санамлар сири — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Тариэл Голуа — «СПУТНИК» (тоқ соатларда). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да).

Дзюдо даҳоси (эрталаб соат 11-20 минутда), **Тош бағридаги достон** (кундуз соат 4-40 ва кеч 7-20 минутда, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Кичик ҳикоя учун сюжет — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.45, 8-30 минут ва 10 да).

Сохта Изабелла — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1969 йил 17 октябрь кундуз соат 3 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети физика факультетининг илмий совет мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, физфак корпуси) физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

К. Муқимов: «Магнит жиҳатидан юмшоқ бўлган баъзибир поликристал ферритларнинг гистерезис сиртмоғи шаклини текшириш» деган темада

Диссертация билан университетнинг илмий кутубхонасида танишиш мумкин (Студентлар шаҳарчаси).

1969 йил 16 октябрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совет мажлисида (Университет кўчаси, студентлар шаҳарчаси, химфак, кутубхона зали) химия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

В. К. Пецарис: «Нитроциклогексан, нитробензол ва нитротолуолни қайтаришда қўлланиладиган баъзи катализаторларнинг хоссаларини ўрганиш» деган темада

Ф. А. Аҳмедов: «Целлюлозанинг триацетат, ацетосорбат ва ацетокапронат номли эфирлари кристалланганида механик хосса ва структуранинг ўзгариши» деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (студентлар шаҳарчаси).

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР Фанлар академияси ва педагогика фанлари академиясининг илмий-оммабоп, физико-математик журнали—«КВАНТ»ГА

ОБУНА-ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган.

Обуна баҳоси: бир ойга — 30 тийин, 3 ойга — 90 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин, 12 ойга —3сўм 60 тийин.

Уқувчилар! «Квант» журналига обуна бўлингиз.

УЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕККОНЦЕРТ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 октябрь кеч соат 8 да

АФҒОНИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Программада Афғонистон халқ музикаси, қўшиқ ва рақслари.

Билетлар концерт зали кассасида ҳар куни кундуз соат 2 дан сотилади.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 5 октябрда

(В. И. Ленин номли майдон)
СССР халқ артисткаси

ТАМАРА ХОНИМ

КОНЦЕРТИ

Программада: **ўзбек, рус, испан, индонез, турк, афғон, арман, болгар, румин, тожик, қозоқ, қирғиз ва бошқа халқларнинг куй ва рақслари.**

Халқ чолғу асбоблари оркестри жўр бўлади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар «Баҳор» концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

«УЗЭНЕРГОСБЫТ»ГА

инспекцияда ишлаш учун инженер ва техник электриклар, бухгалтерлар, ҳисоблаш асбоблари ремонти ва бошқариш бўйича электрослесарлар, ҳисоблаш асбобларини ўрнатиш бўйича электромонтёрлар, электроэнергия ҳисоби бўйича контролёрлар, машинистка, ҳисоблаш асбоблари ремонти ва бошқариш бўйича электрослесарь ҳамда электроэнергия ҳисоби бўйича контролёрлар насбига шогирдлар

ҚЕРАК

Меҳнат ҳақи вақтбай-мукофот тариқасида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Май кўчаси, 101-уй 1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 18-трамвайларнинг «Дизельная», 1, 3, 13-троллейбусларнинг «Темир йўл бошқармаси» бекатлари.

УРТА ОСИЕ ТАБИИЙ ГАЗ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

(СредазНИИгаз)

газ ва газоконденсат қазилмалари анализи лабораториясининг катта илмий ходимлари (4 ўрин)

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда фан докторлари ёки кандидатлари, шунингдек олий маълумотга, ишлаб чиқаришда кўп йиллик стажга, илмий иш ва кашфиётларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурсдан ўтган бошқа шаҳарли мутахассислар икки йиллик муддатда квартира билан таъминланади.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳар, 115, Муқимий кўчаси, 98-уйга юборилади.

ТОШУНИВЕРМАГНИНГ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ»

(К. Маркс кўчасидаги павильонларда)

14 ДАН 20 ОКТЯБРГАЧА

«Ташигрушка» фабрикаси ишлаб чиққан болалар ўйинчоқларининг кўргазмали-савдосини

УТКАЗАДИ

Болалар ўйинчоқлари кўргазмали-савдосига марҳамат!

ГРАЖДАН МУДОФААСИ ШТАБИГА

бош бухгалтер ва бухгалтер

ҚЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бородинская кўчаси, 45-уй (3, 4, 5-троллейбуслар, 1, 4, 41-автобусларнинг «Ассакинский кўчаси» бекати). Телефонлар: 33-08-25, 33-29-29.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар қайта тиклаш ишлари бўйича қурилиш трестининг бошқарувчиси П. П. Осиповга онаси

Пелагея Ильинична ОСИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
4 ОКТЯБРЬ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70. фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат транспорт, қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57. эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64579
НАШР 2868.
Р—04665.